

Ўзбекистон Республикаси номидан Х У К М

2026 йил январь ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Тупроққалъа туман суди биносига, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шу суднинг раиси И.Исмаилов, М.Ражабовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Т.Гафуров, жабрланувчининг қонуний вакиллари Ш.Аллаёров, жабрланувчи Б.Эшмурзаев, М.Қосимова ва Б.Шоймуродовалар, судланувчи З.Эшмирзаев ва унинг ҳимоячиси адвокат Х.Машариповнинг иштирокида, Эшмирзаев Зокир Расуловичга нисбатан бўлган 1-2213-2601/3-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Эшмирзаев Зокир Расулович (Eshmirzaev Zokir), 1976 йил 10 июль куни Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, “Хумоюн Расулович” фермер хўжалиги раҳбари, оилали, 4 нафар фарзанди бор, судланмаган, Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, Кўктош қишлоғи “Чоршанба” маҳалласида яшайди, 2025 йил 25 декабрь кунидан “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи З.Эшмирзаев 2025 йил 17 декабрь куни соат 12:35да, Тупроққалъа тумани, Соримой қишлоғи ҳудудидан ўтувчи “Қарши-Ғузор-Нукус-Қўнғирот-Беноу” А-380 автомагистраль йўлининг 532-километрида фуқаро Б.Эшмурзаевга тегишли бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинани тегишли ҳужжатлар асосида ғарб томондан шарқ томонга бошқариб келиб, йўл ҳаракати қоидаларининг 12-бандида “Транспорт воситасини мастлик ҳолатида (алкоголь, гиёҳванд моддалар истеъмол қилган ва ҳ. к.), сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетоблик ҳолатида бошқариш” деб кўрсатилган ва 77-бандида “Ҳаракатланиш тезлиги: ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган



холда транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак. Транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш, ҳаракатни доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш пайтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларни кўпол равишда бузиб, чарчоклиги натижасида бошқарувни йўқотиб, ўзининг ҳаракат йўналишида йўлнинг ўнг томон обуюнасига чиқиб кетиб, йўл транспорт ходисаси содир қилган.

Натижада, “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашина салонида бўлган фуқаро Х.Эшмурзаевани вафот қилишига ва мазкур автомашинада йўловчи бўлган фуқаро Б.Эшмурзаевни соғлиғини бузилиши билан боғлиқ бўлган енгил тан жароҳати олишига, фуқаро Б.Шоймуродовани ўртача оғир тан жароҳати олишига ва фуқаро М.Қосимовани соғлиғини бузилиши билан боғлиқ бўлмаган енгил тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Суд-гиббий экспертизасининг 2025 йил 17 декабрдаги 63-сонли хулосасига кўра Х.Эшмирзаева олган тан жароҳати зарба, сирпаниш, чайқалиш натижасида келиб чиққан ва оғир тан жароҳати олиш натижасида вафот этганлиги;

2025 йил 18 декабрдаги 1153-сонли хулосасига кўра Б.Эшмирзаев йўл транспорт ходисаси натижасида енгил тан жароҳати олганлиги;

1154-сонли хулосасига кўра Б.Шоймуродова йўл транспорт ходисаси натижасида ўртача оғир тан жароҳати олганлиги;

1155-сонли хулосасига кўра М.Қосимова йўл транспорт ходисаси натижасида ўртача енгил тан жароҳати олганлиги кўрсатилган.

“Quick Pro Estimate” МЧЖнинг 2025 йил 19 декабрдаги хулосасига кўра Б.Эшмирзаевга тегишли бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинага 61.147.000 сўм зарар етказилганлиги кўрсатилган.

Судланувчи З.Эшмирзаев суд муҳокамасида айбига иқрорлик билдириб, 2025 йил 16 декабрь куни соат тахминан 10:00да, Хоразм вилояти Боғот туманига келин бўлиб тушган қариндошини турмуш ўртоғи вафот қилганлиги сабабли унинг маракасида иштирок қилиш учун Қашқадарё вилоятидан Хоразм вилоятига йўлга чиқишганлигини, шу куни қариндоши Б.Эшмирзаевнинг номида бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинада йўлга чиққанлигини, Б.Шомуратова, М.Эшмирзаева ва Х.Эшмурзаева бўлганлигини, шу куни соат тахминан 20:00да, Хоразм вилоятининг Тупроққалъа тумани ҳудудига кириб келганидан сўнг мазкур ҳудудда жойлашган чойхонада овқатланиб олиш учун тўхтаб, мазкур жойда овқатланиб, кейин 17.12.2025 йил куни соат тахминан 05:00га қадар ётиб дам олиб, кейин Боғот туманига йўлга чиқишганлигини, Боғот туманига эрталаб, соат тахминан 07:00да етиб бориб, у ерда қариндошининг турмуш ўртоғини маракаларида қатнашиб, у ердан соат тахминан 09:00да яшаш



уйи томонга яъни Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани томонга қараб йўлга чиқишганлигини, шундан сўнг, қариндоши Б.Эшмурзаев номида бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинани ўзи бошқарганлигини ва мазкур автомашинанинг олд ўриндиғида қариндоши Б.Эшмурзаев, унинг ортида Б.Шомуродова ва унинг чап томонида эса М.Эшмирзаева ва унинг чап томонида Х.Эшмурзаева ўтирганлигини, автомашинани соатига тахминан 70-80 км. тезликда Тупроққалъа тумани А-380 автомагистраль йўлида йўлнинг иккинчи қисмида бошқариб бораётганлигини, “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинанинг ўнг томон қисмидаги шиналарини йўлнинг ўнг томон обуюнидаги шағал тошлар бор жойидан бошқарганлиги сабабли бошқарувни йўқотиб, йўлнинг ўзига нисбатан ўнг томон қисмидаги бетон тўсикқа урилиши натижасида бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашина бир икки мартаба чўл худудига қараб думалаб, чўл худудида тўхтаб қолганлигини, натижада, бошқарувида бўлган автомашина салонидида йўловчи бўлган қариндоши Х.Эшмурзаеванинг вафот қилишига, автомашинадаги қолган йўловчиларни яъни Б.Эшмирзаев, Б.Шоймуратова ва М.Қосимоваларни турли хил даражада тан жароҳатлари олишига сабабчи бўлганлигини, қариндоши Х.Эшмурзаеванинг вафот қилишига сабабчи бўлганлиги учун унинг яқин қариндошларидан кечирим сўраб, етказилган зарарни қоплаганлигини, “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинага етказилган зарар бўйича ҳам қариндоши Б.Эшмирзаев билан ўзаро келишиб олганлигини, автомашинада бўлган бошқа йўловчилар Б.Шоймуратова ва М.Қосимовалардан ҳам кечириб сўраб улар билан ҳам ўзаро ярашиб олганлигини, қилинган сарф харажатларни қоплаганлигини, уларни даъвоси йўқлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили Ш.Аллаёров суд муҳокамасида, 2025 йил 17 декабрь куни соат 12:35да, Тупроққалъа тумани, Соримой қишлоғи худудидан ўтувчи “Қарши-Ғуздор-Нукус-Қўнғирот-Беноу” А-380 автомагистрал йўлининг 532-километрида содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси натижасида вафот қилган Х.Эшмурзаеванинг ўғли бўлишини, 2025 йил 17 декабрь куни тоғаси З.Эшмирзаевнинг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинада Хоразм вилояти томонидан яшаш уйи томонга бошқариб келишда яъни Тупроққалъа тумани Соримой қишлоғи худудида йўл транспорт ҳодисасига учраганлиги оқибатида вафот қилганлигини шу куни эшитганлигини, мазкур содир бўлган йўл транспорт ҳодисаси натижасида онаси Х.Эшмурзаева олган оғир тан жароҳати натижасида вафот қилганлигини, мазкур ҳолат бўйича тоғаси З.Эшмирзаевга нисбатан даъвоси йўқлигини билдирди.

Жабрланувчи Б.Эшмурзаев суд муҳокамасида, 17.12.2025 йил куни Боғот туманига келин бўлиб тушган қариндошини турмуш ўртоғи вафот қилганлиги сабабли уларни яшаш уйига таъзияга келиб, қариндоши М.Қосимовага таъзия билдириб, яшаш уйи томонга кетиш учун йўлга чиқишганлигини, шундан сўнг



унинг номида бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинани келишда бошқариб келиб чарчаганлиги сабабли қайтишда мазкур автомашинани бошқариш учун қариндоши З.Эшмирзаевга берганлигини, мазкур автомашинани олд ўриндиғида, унинг ортида турмуш ўртоғи Б.Шоймуротова, унинг чап томонида М.Қосимова ва ҳайдовчи орқа томонида эса марҳум қариндоши Х.Эшмурзаева ўтирганлигини, автомашина Тупроққалъа тумани Соримой қишлоғи худудидан ўтган А-380 автомагистрал йўлида, йўлнинг иккинчи бўлагидида ҳаракатланиб бораётган вақтида автомашинанинг ўнг томон шиналари йўлнинг ўнг томонидаги обучинасига чиқиши натижасида қариндоши З.Эшмирзаев бошқарувни йўқотиб, йўлнинг ўнг томон обучина қисмидаги бетон тўсиққа урилиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилганлигини, натижада автомашинадаги йўловчилар турли даражада тан жароҳати олишига ҳамда қариндоши Х.Эшмурзаевани вафот қилишига сабабчи бўлганлигини, ҳозирда мазкур жиноят иши бўйича олган тан жароҳати ва автомашинасига етказилган зарар бўйича З.Эшмирзаевга нисбатан бирон-бир даъвоси йўқлигини билдирди.

Жабрланувчи М.Қосимова суд муҳокамасида, 17.12.2025 йил куни Боғот туманига келин бўлиб тушган қариндошини турмуш ўртоғи вафот қилганлиги сабабли уларни яшаш уйига таъзияга келиб, қариндоши М.Қосимовага таъзия билдириб, яшаш уйи томонга кетиш учун йўлга чиқишганлигини, шундан сўнг Б.Эшмурзаев номида бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинани келишда бошқариб келиб чарчаганлиги сабабли қайтишда мазкур автомашинани З.Эшмирзаевга бошқарганлигини, мазкур автомашинани олд ўриндиғида, унинг ортида турмуш ўртоғи Б.Шоймуротова, унинг чап томонида ўзи ва ҳайдовчи орқа томонида эса марҳум қариндоши Х.Эшмурзаева ўтирганлигини, автомашина Тупроққалъа тумани Соримой қишлоғи худудидан ўтган А-380 автомагистрал йўлида, йўлнинг иккинчи бўлагидида ҳаракатланиб бораётган вақтида автомашинанинг ўнг томон шиналари йўлнинг ўнг томонидаги обучинасига чиқиши натижасида қариндоши З.Эшмирзаев бошқарувни йўқотиб, йўлнинг ўнг томон обучина қисмидаги бетон тўсиққа урилиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилганлигини, натижада автомашинадаги йўловчилар турли даражада тан жароҳати олишига ҳамда қариндоши Х.Эшмурзаевани вафот қилишига сабабчи бўлганлигини, ҳозирда мазкур жиноят иши бўйича уни ва оила аъзоларини қариндоши З.Эшмирзаевга нисбатан бирон-бир даъвоси йўқлигини билдирди.

Жабрланувчи Б.Шоймуротова суд муҳокамасида, 17.12.2025 йил куни Боғот туманига келин бўлиб тушган қариндошини турмуш ўртоғи вафот қилганлиги сабабли уларни яшаш уйига таъзияга келиб, қариндоши М.Қосимовага таъзия билдириб, яшаш уйи томонга кетиш учун йўлга чиқишганлигини, шундан сўнг Б.Эшмурзаев номида бўлган “Ласетти” русумли 70 Т 145 ВВ давлат рақам белгили автомашинани келишда бошқариб келиб чарчаганлиги сабабли қайтишда мазкур автомашинани З.Эшмирзаевга бошқарганлигини, мазкур автомашинани олд



Ўриндиғида, унинг ортида турмуш ўртоғи Б.Шоймуротова, унинг чап томонида ўзи ва ҳайдовчи орқа томонида эса марҳум қариндоши Х.Эшмурзаева ўтирганлигини, автомашина Тупроққалъа тумани Соримой қишлоғи худудидан ўтган А-380 автомагистрал йўлида, йўлнинг иккинчи бўлағида ҳаракатланиб бораётган вақтида автомашинанинг ўнг томон шиналари йўлнинг ўнг томонидаги обуюнасига чиқиши натижасида қариндоши З.Эшмирзаев бошқарувни йўқотиб, йўлнинг ўнг томон обуюна қисмидаги бетон тўсикка урилиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилганлигини, натижада автомашинадаги йўловчилар турли даражада тан жароҳати олишига ҳамда қариндоши Х.Эшмурзаевани вафот қилишига сабабчи бўлганлигини, ҳозирда мазкур жиноят иши бўйича уни ва оила аъзоларини қариндоши З.Эшмирзаевга нисбатан бирон-бир даъвоси йўқлигини билдирди.

Суд, давлат айбловчиси ҳулосасини, судланувчи З.Эшмирзаевнинг кўрсатувини тинглаб, унинг айби, ўзининг иқрорлик кўрсатувлари, жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчилар кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотосуратлар, суд-тиббий экспертизасининг ҳулосалари ҳамда жиноят иши ҳужжатларида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи З.Эшмирзаевнинг хатти-ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, одам ўлишига сабаб бўлишда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи З.Эшмирзаевга нисбатан жазо тайинлашда амалдаги Қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 2015 йил 26 июндаги 10-сонли қарорининг 25-бандида, “Судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндошув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт” деб кўрсатилган.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Худди шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1,3-бандларида, “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига катъий амал қилишга қаратилсин”- деб, “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб, 37-бандида эса, “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим”- деб;

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, “Судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлигига, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлигига ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилсин. Судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари керак” деб, раҳбарий тушунтиришлар берилган.



Суд, судланувчи З.Эшмирзаевга Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 5-бандидаги “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деган талабга амал қилиб, жазо тайинлашни лозим топади.

Суд, судланувчи Р.Янгибаевга нисбатан жазо чораси ва турини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорларидаги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиқиб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини, моддий аҳволи ва имкониятини, судланмаганлигини, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилини, жабрланувчилар даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, шунингдек, жиноят содир қилгандан кейинги ижобий хулқ-атворини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, судланувчининг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олишни, қайд қилинганларни жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий равишда камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги, яъни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташига монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмаганлиги сабабли ушбу жазони тайинлашни, шунингдек, келгусида яна шу каби жиноятларни содир қилишини олдини олиш мақсадида ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, уни муайян вақт мобайнида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилишни лозим топади.

Шу билан бир қаторда суд, жиноят иши бўйича манфаатдор томонларга етказилган зарарларни ундириш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2016 йил 27 декабрдаги “Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26-сонли қарори талабларига асосан жиноят натижасида етказилган зарарлар бартараф этилганлиги ва жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчиларни судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471 ва 473-моддаларига амал қилиб, суд



ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи Эшмирзаев Зокир Расулович (Eshmirzaev Zokir) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Эшмирзаев Зокир Расуловичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 45-моддасига асосан, 3 йил транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўз иш жойи ҳисобланган “Хумоюн Расулович” фермер хўжалигида ўтатилсин ва жазони ўташ муддати иш жойи маъмурияти жазони ижро этиш инспекциясидан хабарнома олган кундан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳукм кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларининг ижросини назорат қилиш Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ички ишлар органлари Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, Х.Эшмирзаевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва унинг гаров эҳтиёт чораси учун 2025 йил 23 декабрь куни Хоразм вилоят ИИБнинг АТИБ “Ипотекабанк”нинг Хоразм филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 10.000.000 сўм гаровга қўювчи З.Эшмирзаевга қайтарилсин.

Жиноят натижасида етказилган зарарлар бартараф этилганлиги ва жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчиларни судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида ва ҳукм кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Хоразм вилоят судига шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья

И.Исмаилов



Маъсул судья: Исмаилов Илхомбой Зарипбаевич



Хужжат имзоланган: Исмаилов Илхомбой Зарипбаевич, 16.01.2026

